

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Tariyx. Huqıqtanıw. Ruwqıylıq

СИНФ РАХБАРЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Б.И.Арзиева – мустақил тадқиқотчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: жамият, фармон, ҳуқуқ, маданият, концепция, қонун, таълим, одоб, ахлоқ, тарбия, мактаб.**Ключевые слова:** общество, декрет, право, культура, концепция, закон, образование, нравы, образование, школа.**Key words:** society, decree, law, culture, conception, right, education, ethics, up-bringing, school.

Мамлакатимизда таълим тизими соҳасидаги давлат сиёсати бугунги кунда узлуксиз таълим тизими тамойилларига асосланади. Давлатимизда бола туғилганидан бошлаб, камол топгунга қадар бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берадиган яхлит узлуксиз таълим тизimini яратишга ҳаракат қилинмоқда. Бу йўналишни тизимли ривожлантириш бўйича аниқ давлат дастурлари қабул қилинди.

Халқимизда “Таълим ва тарбия - бешикдан бошланади”, деган ҳикматли сўз бор. Фақат маърифат ва маданият инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди [1:224].

Биз “Янги Ўзбекистон мактаб останасидан бошланади” деган улуг ғоя асосида мамлакатимизда мактаб таълимини умумий ҳаракатга айлантириш бўйича бошланган ишларимизни янги босқичга кўтарамиз. Юртимизда мутлақо янги мазмун ва шаклдаги замонавий ихтисослаштирилган мактаблар тизimini яратиш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилади [1:226].

Шу ўринда бевосита ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга ва синф раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган миллий меъёрий-ҳуқуқий асосга тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизimini тубдан такомиллаштириш туғриси”ги Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 30 – июльдаги 180 сонли бўйруқ асосида “Умумий ўрта таълим муассасасининг синф раҳбарлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Низоми;
5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг “Умумий ўрта таълим муассасасининг ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисида”ги 2020 йил 28 майдаги 131 сонли бўйруғи;

1992 йилда 8 декабрда қабул қилинган асосий қонунимиз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда асосий манба ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқимизнинг асосий мақсади-инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш деб кўрсатилган. Конституция инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафилидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 41 модда да “Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Мактаб ишлари давлат ҳимоясидадир”-деб кўрсатилган. Демак, юртимизда ҳар бир ёш авлод бепул умумий таълим олиш ҳуқуқига эга. Уларнинг таълим олиш ҳуқуқи давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Мактабларда бошланғич синфларда Конституция алифбоси, Конституция оламига саёҳат каби фанлар орқали ўргатилса, юқори синф ўқувчиларига Конституциявий ҳуқуқ, Давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ўтилди. Коллеж-лицей ва олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси

Конституциясини ўрганиш курси орқали Конституция нормалари ўргатилиб борилди.

Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга бағишланган шарҳлар ва 50 дан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юр்தларининг бакалаврлик ва магистрлик босқичлари учун алоҳида-алоҳида дарсликлар чиқарилди.

Ҳуқуқий маданият – бу ҳуқуқий саводхонликдир. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий маданиятсиз ҳуқуқий давлат бўлмайди [2:102].

Конституция ҳар бир инсоннинг, фуқаронинг ҳуқуқий ҳуқ-атворини белгилаб беради. Уни билмай туриб, ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди. Ҳуқуқий онг бўлмаса, демократия бўлмайди. Ҳуқуқий онгнинг ўсиши – бу ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши, қонунларни ижро этиш ва ҳурмат қилиш даражасининг ошиши демакдир. Ҳуқуқий онг қонунларни нафақат билишни, балки қонун талабларига итobat этишни ҳам аналатади. Албатта, инсон ҳамма қонунларни билиши мумкин эмас, аммо у энг муҳим қонунларни билишга мажбур. Бу конституциявий мажбуриятдир.

Бу ҳақда гап борар экан, ҳеч шубҳасиз, аҳолини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш, бунда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада ошириш ғоят долзарб вазифа эканини, яъни фуқароларнинг ахборот олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, ўз навбатида, юр்தдошларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Чунки, ҳаётда ҳар бир инсон ўзининг инсонлигини ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билганда, англаб етгандагина тўла ҳис этади. Акс ҳолда, ўзининг ва ўзгалар ҳуқуқини таниб олмаган инсон жамиятнинг жонсиз бир “мурвати” бўлиб қолаверади. Шу маънода, қомил инсонни тарбиялашнинг энг зарур шартларидан бири ҳам аслида инсоннинг ҳуқуқни, қонунларни чуқур билишига алоҳида аҳамият қаратишдан иборатдир. Шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий тарбиясини ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида ҳуқуқни ўқитиш масалаларига оид Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январь кунги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизimini тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ҳозирги кунда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, қонун устиворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий қоидаларидан бири бўлиб топилади.

Аммо жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий таъминлашда, халқнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ва ҳуқуқий саводхонлигини ривожлантиришда бир қанча камчиликлар мавжуд.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда таълим ва тарбия соҳасидаги ишлар тизимли олиб борилмаганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мактабларда, жамиятда ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига ва ҳуқуқий маданиятига салбий таъсир кўрсатувчи

омилларга қарши курашувчи ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахснинг қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича комплексли ишларни амалга ошириш керак.

Аҳолининг ҳуқуқий билим ва саводхонлиги оширилмас экан, улар ўзларининг ҳуқуқини талаб эта олмайдилар, бу жамиятда мансабдор шахслар томонидан оддий халқнинг ҳуқуқ ва эркинликларини оёқ ости қилиниб, камситишларга йўл қўйила веради.

Фармонда бундай вазиятларда ҳозирги глобаллашув ва илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илғор таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Шунунгдек, фармонда ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини, одоб-ахлоқ нормаларини чуқур синдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

“Юксак ҳуқуқий маданият-мамлакат тараққиёти қафолати” деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг камровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устивор вазифаларидан бири этиб белгилансин-деб кўрсатиб қўйилган [3:2-3].

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида “шахс-оила-маҳалла-таълим муассасаси-ташкilot-жамият” тамойили асосида тизимли йўлга қўйилади.

Бу борада “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси” ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Концепциянинг асосий мақсади, аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка ва ҳуқуқий билимга эга бўлиши, мустаҳкам иродали ўз ҳуқуқларини биладиган, қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позицияга эга бўлган фуқароларни тарбиялаш ва кенг камровли тизимни яратишдан иборат.

Концепциянинг асосий йўналишларидан бири “Таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш”га қаратилган. Унда мактабгача таълим муассасаларида, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ҳуқуқий билим бериш тартиби ҳақида сўз этилган. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” ва “Инсон ҳуқуқларини ўрганиш” бўйича махсус ўқув курсларни барча таълим турлари бўйича тизимли ўргатиш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ўргатилишини ташкил қилиш,

ҳуқуқий дарсликлар ва ҳуқуқий ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш - ҳақида айтиб ўтилган [3:5].

Концепцияда аҳолининг барча қатламларни, айниқса педагог кадрларни Ўзбекистонда қабул қилинган янги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида мунтазам равишда хабордар бўлиб туриши учун интернет портали яратилди. Масалан, қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, барча миллий ҳуқуқий сайтлар, юридик луғат ва ҳуқуқий электрон кутубхоналар ва мақсадли аудиториялар (педагог кадрларнинг мажбурий малакасини ошириш) ташкил қилинди. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқий билим даражасини синов мақсадида интернет тизимида турли босқичларга эга бўлган “Ҳуқуқий тест” лойиҳаси жорий этилди. Таълим муассасалари педагог ходимларининг ҳуқуқий билимларини ривожлантириш мақсадида “Ҳуқуқий ахборот” телеграмм канали ташкил қилиниб, унда янги қонунлар, қарорларнинг қисқача мазмуни берилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мақсадли таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун 2020 йил Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Қонун асосан 11 боб ва 75 моддадан иборат. “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ҳар бир нормасида таълими тизимини бошқариш, давлат органларининг ваколатлари, шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва уларга берилган қафолатлар, таълим олувчиларнинг Ушбу қонуннинг бажарилиши куйидаги тамойилларга асос амал қилади:

Таълим устуворлигининг тан олинлиги;

Таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги;

Таълим олиш соҳасида камситишга йўл қўйилмаслиги;

Таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланганлиги;

Таълим ва тарбияга миллий ва умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги;

Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти;

Таълимнинг узликсизлиги ва изчизлиги;

Жамиятта педагогларнинг ижтимоий ҳимоя қилишнинг қафолатланганлиги;

Таълим фаолияти соҳасидаги очиқлик ва шаффофлик [4:4] ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ жинси, irqи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ҳар кимга таълим олиш ҳуқуқлари қафолатланади.

Конституция - ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва инсон ҳуқуқларидан ажралмасдир. Шунинг учун Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни тушунтириш ва тушуниб олишга бундан кейин ҳам жуда катта эътибор бериш лозим. Бинобарин, ҳар қандай қонун аввало уни билиш ва ҳурмат қилиш, унга сўзсиз риоя этиш орқали том маънода қонунийлик касб этади. Конституциянинг нормаларини ҳам айнан ана шу ито-атқорлик ҳаракатга келтиради.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш., Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: 2021, 224-226-б.
2. Сайдов А., Таджиханов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. -Т.: 1998. Т.2.
3. “Жамиятта ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ. -Т.: 2019. 9 январь, 2-3, 5-б.
4. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун. -Т.: 2020. -С. 4.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада синф раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент асарлари, Фармонлари, ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье говорится о значении Конституции Республики Узбекистан, указов Президента и нормативно-правовых актов в повышении правовой грамотности классных руководителей.

SUMMARY. This article talks about the importance of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, Presidential Decrees, and legal regulations in improving the legal literacy of class leaders.